Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**14 август**
ЧОРШАНБА
**№ 65** (12597)

www.th.uz

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

# КАСБДОШ, МУТАХАССИС, РАҲБАР

**Олмалиқ саноати ҳақида гап борганда, "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти фаолиятига алоҳида урғу берилади. У нафақат шаҳар ёки вилоят, ҳатто республика иқтисодиётига ҳам муносиб улуш қўшаётир. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида етакчиликни қўлдан бермай келаётган жамоа бу йил 64 йиллик фаолиятини нишонлайди.**

Олмалиқ шаҳрининг қулай жўғрофий жойлашуви, хом ашёнинг бисёрлиги, авто ва темирйўл транспортларида юк ташиш имконининг кенглиги, энг асосийси, истеъмолчиларнинг яқин ва кўплиги айни муддао бўлмоқда. Корхона йилига 217,5 минг тонна фосфорли ўғит ва 500 минг тонна сульфат кислота ишлаб чиқариш қувватига эга. Таркибида зарур озиқ моддалар бор ушбу минерал ўғитлардан турли минтақаларда, ҳар қандай тупроқли ерларда барча экин турларини озиқлантиришда фойдаланиш мумкин.

Баҳодир Содиқов бошқарув раиси этиб тайинланганида ишчи ва хизматчилар ундан кўп нарса кутишганди. Ўтган 5 йил давомида у қўл остидагиларнинг ишончини қозона олди.

У корхона раҳбарлигига тасодифан келиб қолгани йўқ. Шу даражага етгунича кўп йўлни босиб ўтган. Иш фаолиятини Олмалиқ кимё заводининг таъмирлаш-механика цехида бошлаган. Чилангар бўлиб ишга кирган кунини ҳеч эсдан чиқармайди. Минг бир ҳаяжон ва энтикиш билан дастгоҳнинг ёнига келгани-ю, қўлига керакли анжомларни олганигача бир-бир сўзлаб бера олади. Ҳамкасблари, устозлари кўзлари ёниб турган йигитчадан кўп нарса кутиш мумкинлигини ўша пайтдаёқ фаҳмлашган эди.

Баҳодир Содиқов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини ҳам тугатишга улгурди. "Умумий менежмент" ихтисослиги ва "Бизнес бошқаруви магистри" даражаси унинг ишида янада кўпроқ ютуқларга эришишига ёрдам бераяпти.

– Ҳозир фақат юқоридан келадиган кўрсатма ва буйруқларни бажариш билан иш битмайди, – дейди Баҳодир Содиқов. – Ҳамма соҳада ташаббускор ва изланувчан бўлмасангиз, ривождан ортда қолишингиз мумкин. Қизилқум фосфоритлари негизида янги турдаги маҳаллий фосфат хом ашёсини қайта ишлаш технологияси жорий этилгани яхши ташаббус бўлди. Натижада юқори сифатли минерал ўғит олиш имкони туғилди. Бу тежамкор технология ҳосил бўладиган фосфогипсни 1,1 миллион тоннага қисқартирмоқда.

Баҳодир Содиқов нафақат раҳбар, балки юқори малакали, новаторлик ғояларини илгари сурувчи, ташаббускор мутахассис ҳамдир. Бир ишга киришса, уни тўхтатиб бўлмайди. Янги ихтироси унга куч бағишлаб, тезда навбатдагисини қўллашга тушиб кетади. Чунончи, илгари фосфогипс таркибидаги сульфат кислотаси чиқитга чиқиб кетарди. Энди эса, қарийб ярим миллион тонна сульфат кислота ишлаб чиқаришга қайтарилди. Авваллари экстракцияланган фосфор кислотасини тозалаш муаммоси қийнарди. У ҳам ҳал этилди. Яқиндан бошлаб эса, экспортга моноаммонийфосфат тайёрлаб, жўнатиляпти. Демак, чет эл валютаси кириб келяпти.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: (ўнгдан иккинчи) Баҳодир Содиқов маҳсулотларнинг сифатли ишлаб чиқарилишида ходимларнинг фикрига доим таянади.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# БЕКОРЧИЛИК БИЗГА ЯРАШМАЙДИ

## БИР ГУРУҲ ЁШЛАРНИНГ ТЕНГДОШЛАРГА ОЧИҚ ХАТИ

Азиз тенгдошлар!

Бизни ўз бағрида ҳеч нарсадан кам қилмай, асраб-авайлаб улғайтираётган она Ўзбекистон азал-азалдан тинчлик, эзгулик, илму маърифат бешиги сифатида қадрланиб келади. Бугунги мустақиллик шароитида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ободлик ва фаровонлик халқимиз, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда қадр-қимматини янада юксалтирмоқда.

Замон шиддат билан ўзгариб бораётган, нотинчлик, иқтисодий инқирозлар манаман деган давлатларни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяётган бир пайтда юртимиздаги Тинчлик, Ободлик, Қут-барака ўз-ўзидан қўлга киритилмаётганини бугун барчамиз яхши биламиз. Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш, оналари соғлом, фарзандлари баркамол, келажаги буюк бўлган озод ва обод давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўз ўнгимиздаги муҳташам биноларда, кўркам боғ ва хиёбонларда, кенг ва равон кўчаларда, энг муҳими, халқимизнинг кайфиятида тўла акс этиб турибди. Кексаларимизнинг дуосидаги шукроналик, дастурхонимиздаги тўкинлик, эртанги кунга ишонч ва умид юртимизда олиб борилаётганислоҳотларнинг амалдаги ифодаси эмасми?!

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларига баҳо бера туриб, вилоят аҳлининг, хусусан ёшларининг юксак интеллектуал салоҳиятини алоҳида эътироф этдилар. Бундан қанчалик ғурурланганимизни, қалбимизда ўзгача ишонч ва куч-қудрат ҳис этганимизни оддий сўзлар билан ифода этиш мушкул. Айни пайтда биз ёшлар ўз билимимиз, иқтидоримиз ва ташаббускорлигимизни янада кучлироқ намоён этиш, муҳтарам Президентимизнинг ишончига барча соҳалардаги ғалабаларимиз билан жавоб қайтариш иштиёқи билан яшаётганимиз рост.

Бугунги кунда вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида, шунингдек, чекка ва олис қишлоқларида илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритаётган, илмий изланишлари ва кашфиётлари билан кўпчиликни ҳайратга солаётган иқтидорли тенгдошларимиз кўплигини биламиз. Бизнинг «Жигаристон» маҳалламиз ёшлари ҳам инсон ким бўлиши, қаерда ўқиши ёки ишлашидан қатъи назар, спорт билан доимий дўстлашиши тарафдоримиз. Маҳалламизда спортга яқинлик оммавий тус олган десак, муболаға бўлмайди. Бўш вақтимиз деярли йўқ.

Ҳозир маҳалламизда жами 300 га яқин болалар ва ўсмирлар спортнинг кураш, дзюдо, бадиий гимнастика каби ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланади. Вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда 100 га яқин олтин, 100 дан зиёд кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганмиз.

(Давоми 2-бетда).

# АВГУСТ – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

**Деҳқонлар "йилдан йилнинг фарқи бор" дейишади. Бу бежиз эмас. Табиат инжиқликлари деҳқондан ҳар йили мавжуд вазиятга қараб иш кўришни талаб этади.**



Бу йилги кўклам анча салқин келиб, экин ривожини сустлаштирди. Бироқ, тажрибали деҳқонлар барча агротехник тадбирларни меъёрида ва вақтида бажарганлари туфайли бултурги даражада ҳосил тўплашга эришилди. Эндиги вазифа кун сайин йириклашиб бораётган кўсак ва янги ҳосил тугунларини тўла сақлаб қолишдан иборат. Чунки, саратон ва сунбула орасидаги асад ойида ғўза шонаси гулга, гуллар кўсакларга, кўсаклар эса тўлишиб, лўппи пахтага айланади.

Дарвоқе, ҳар йили август ҳосилга ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилинади. Пахтакорларимиз бор ҳосилни сақлаш ва уни янада кўпайтиришга зўр беришади. Ғўзани суғориш, қатор ораларига ишлов беришга алоҳида эътибор қаратишади. Хуллас, август – деҳқонлар учун ҳал қилувчи палла.

Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудири Ҳакимжон Муродов мухбиримизга шу мақсадда қилинган ва режалаштирилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

– Вилоят бўйича 91 минг 500 гектар майдондаги ғўзанинг ривожи кўнгилдагидек. Пахтакорларимиз август – ҳосилга ҳосил қўшиш ойи эканини яхши билишади. Шунинг учун улар бугунги агротехник тадбирларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратишяпти.

Ҳаво кескин исиб кетса, ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш, бор ҳосилни сақлаб қолиш учун фермер ва барча мутасаддилар ишга масъулият билан ёндошиб, вазиятни тўғри баҳолай олишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳар бир фермерга айни кунларда қилинадиган ишлар бўйича тавсиялар берилди.

(Давоми 2-бетда).

**Вилоят ҳокимлигининг Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссияси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши касаба уюшмалари фаолиятлари бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда "Мустақил Она юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик!" шиори остида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи 10 кунлиги ташкил этилди.**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРОМГОҲИ

Бўстонлиқдаги "Келажак" оромгоҳида 5 августдан 15 августгача ўтказилиши кўзда тутилган тадбир юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини юритишга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида ташкиллаштирилди.

– Бунинг учун тегишли идораларнинг рўйхатида турувчи 160 ўсмир танланди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси А. Камолов. – Оромгоҳлардаги маданий, маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларига соҳа мутахассислари ва иқтидорли ёшлар жалб этилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

# ЭЗГУЛИК ТАРҒИБОТИ

**Вилоятда маънавий-маърифий ишлар самарасини янада ошириш, таълим муассасаларини бадиий адабиётлар билан таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёт ғоялардан ҳимоялаш, Ватанга садоқат ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, шунингдек, "Тошкент вилояти мустақиллик йилларида" альбом-китобини яратиш мақсадида вилоят ҳокими фармойиш қабул қилган эди.**



Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими вилоят бўлимлари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент вилояти давлат педагогика институти, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг 3 августдан 13 августга қадар "Маънавият кунлари" хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси асос бўлган мазкур фармойишда бир қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Шунга мувофиқ, вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда "Маънавият кунлари" доирасида маънавий-маърифий кечалар ўтказилди.

Хусусан, меҳнат жамоалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари ҳамда Юртбошимизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кенг тарғиб қилинди. Шунингдек, ўқув-семинар, учрашув, турли мулоқот ва давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этилди. Гузарлар, қишлоқлар, кўчалар, тарихий обида ва зиёратгоҳлар, истироҳат боғлари, қабристонлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳашарлар уюштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланди, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Бундан ташқари, ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

"Маънавият кунлари" доирасида ўтказилган хайрия ҳашарлари муносабати билан вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг (Тошкент вилояти Ғазначилик бошқармаси ҳисоб рақами: 23402000300100001010 Банк: Тошкент шаҳар Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази Тошкент вилоят бўлими ШҲР: 400121860272537950100027001 Ташкилот СТИРи: 200897080 ОКОНХ: 98400) ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказмоқдалар.

Мазкур хайрия ҳашаридан тушадиган маблағлар "Тошкент вилояти истиқлол йилларида" альбом-китобини чоп этишга, таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан таъминлашга, маънавий-маърифий тадбирлар кўламини ошириш, тарғибот ишларида замонавий тарғибот-ташвиқот технологияларидан кенг фойдаланиш, кўргазма, кўрик-танлов, конференциялар ташкил этиш, фаол иштирокчи ҳамда ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, шунингдек, ёш ижодкорларнинг бадиий ижод намуналарини ҳомийлик асосида чоп этиш ишларига сарф этилиши белгилаб қўйилган.

Огоҳлик

# МАҲАЛЛАЛАРДА УЧРАШУВЛАР

**Бекобод тумани ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолини огоҳликка даъват этувчи тадбирлар – диний экстремизм ва миссионерлик, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган учрашувлар ташкил этмоқда.**

Шундай учрашувлардан бири Маданият қишлоғидаги "Парчаюз" ва "Пастки Керайит" маҳаллаларида бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар юртимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит, халқимизга ёт иллатларнинг олдини олиш, ёшлар тарбияси, миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши курашда жамоатчиликнинг ўрни ва бурчи юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбир сўнгида аҳоли вакиллари билан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

# БЕКОРЧИЛИК БИЗГА ЯРАШМАЙДИ

## БИР ГУРУҲ ЁШЛАРНИНГ ТЕНГДОШЛАРГА ОЧИҚ ХАТИ

Орамизда Ўзбекистон чемпионлари, халқаро мусобақаларнинг ғолиблари бор. Мактабдаги устозларимиз, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўрозали Раков ёрдамида спорт турларини кенгайтириб бораяпмиз. Маҳалламиз аҳолисининг етти ёшдан етмиш ёшгачаси футбол ишқибози. "Жигаристон" деб номланган футбол жамоамиз бор. Шундан бўлса керак, маҳалланинг ёшу қариси бир оила аъзоларидек бўлиб кетишган. Энг қувонарлиси, болаларнинг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан банд қилиш эвазига маҳаллада тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат қарор топган. Йил бошидан бери вояга етмаганлар ўртасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Маҳалламизда жами уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосан кон ишлари ва чорвачилик билан шуғулланадиган тоғли маҳалламиз одамлари Ўзбекистондаги оламшумул қурилишлардан бири айнан бизнинг маҳалламиз ҳудудидан ўтишини тасаввур ҳам қилишмаган эди. Президентимиз ташаббуслари билан бугунги кунда тоғлардаги ҳайбатли тошларни ўйиб, салкам 20 километрли туннель қазиб, Тошкент-Поп темир йўли қурилишини эшитиб, қалбимиз фахру ифтихорга тўлди. Бу каби улуғ бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида давом этаётгани, шубҳасиз, Ватанимиз қудратининг ёрқин ифодасидир.

Азиз тенгдошлар!

Юртимизда, хусусан вилоятимизда амалга оширилаётган бу каби улкан ишлар аввало, биз ёшларнинг келажаги ва бахту саодатини ўйлаб қилинаётганини бўйимизга бўй, ақлимизга ақл, кучимизга куч қўшилгани сари чуқурроқ англаб бормоқдамиз. Энди шу ғамхўрликларга амалий жавоб қайтарадиган пайт келди. Ватанни эъзозлаш, асраб-авайлаш, унга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Маҳаллани кичик бир Ватанга қиёслашади. Бу ердаги аҳиллик, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик келажагимиз ва тараққиётимизнинг асоси демакдир. Шундай экан, биз мустақиллик фарзандлари оилада, ўқишда, жамоат орасида юксак тарбиямиз, ақл-идрокимиз, каттаю-кичикка ҳурмат-иззатимиз билан бошқаларга ибрат бўлмоғимиз лозим. Ҳозир дунё тинчлигига хавф солиб турган турли оқим ва ёт ғояларга алданиб қолмаслик учун маънавий-маърифий билимларимизни мунтазам ошириб бориш, китоб ва спорт билан яқин дўст бўлиш ҳар биримизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши жуда муҳимдир. Жамиятнинг эртанги истиқболи биз ёшларнинг қўлида эканини ҳеч қачон унутмайлик!

***Ангрен шаҳрининг «Жигаристон» маҳалласида яшаб, спорт билан мунтазам шуғулланаётган Нозима Абдулҳафизова, Зафар Усмоналиев, Зафар Абдамидов, Жавоҳир Мамажонов, Бобур Рустамов, Отабек Шарофиддинов, Адҳам Мираҳмедов, Фарруҳ Омонов, Мафтуна Абдиева, Маржона Абдиева, Озода Абдусаломова, Ситора Аширматова, Дилафрўз Сафарова, Дилноза Абдуҳафизова, Гулҳаё Сафарова, Ҳафиза Абдулҳафизова, Бобур Вожиев, Азиза Мирзаева, Азиза Раҳматиллаева, Умида Жумақулова.***

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# АВГУСТ – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

Гуллаш, кўсак тугиш даврида асосий майдонларни шарбат усулида суғориш учун Чирчиқ – Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг қуйи бўғинлари, хусусан, барча мева-сабзавотчилик туманлари сув хўжалиги, солиқ идораларининг 450 дан зиёд ходимлари жалб этилди. Натижада 98 фоиз ғўза майдонлари бир марта сувдан чиқарилди. Маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирилди. 56 минг гектардаги ғўза азот, калий ва фосфорли ўғитлар билан қўшимча озиқлантирилди. Суғоришдан кейин ғўза қатор оралари культивация қилинди. Вилоят бўйича асосий майдонларда чилпиш ишлари якунланди.

Афсуски, "фавқулодда ҳолат" деб эълон қилинган долзарб ўн кунликда айрим мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги туфайли бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Чунончи, вилоят бўйича насослар ёрдамида суғориладиган 356 гектар майдондаги ғўза чанқаб қолди, 426 гектар майдондаги ғўза вақтида суғорилмагани натижасида ҳосил тўкилиши кузатилди. Жумладан, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Бекобод туманларидаги айрим фермер хўжаликларида шундай нохушликларга йўл қўйилди.

Вилоят бўйича 1250 гектардаги ғўза маҳаллий ўғит етарли чиқарилган бўлишига қарамай, шарбатсиз суғорилди. Шунингдек, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Бекобод ва бошқа туманлардаги 33 та фермер хўжаликларида 607 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бериш кечиктириб бажарилди.

Шу ва бошқа камчиликлар келгусида такрорланмаслиги учун аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, вилоят бўйича икки марта шарбат, шу жумладан ривожи орқада қолган майдонлар фекал бериб суғорилади. Ғўза қатор орасига 2-2,5 марта ишлов берилади. Уч кун муддатда ғўзанинг ён шохлари чилпилади. Ҳашаротларга қарши олтинкўз ва бракон энтомофаглари қўйилади. Ғўза парваришида қатнашаётган ишчиларга қулай шароит яратилиб, уларга иш ҳақи ҳар беш кунда даланинг ўзида берилади. Қолоқ фермер хўжаликларига алоҳида эътибор қаратилиб, жадаллаштирилган агротехник тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланади.

Шунингдек, дефолиацияда қатнашадиган 300 дан зиёд ОВХларни марказлашган ҳолда йиғиб, таъмирлаш ва тайёрлашни 20 августгача тўлиқ якунлаш чораларини кўряпмиз.

Хуллас, бор куч ва имкониятлар август ойида ҳар туп ғўзадаги кўсакни сақлаб қолиш, ҳосилга ҳосил қўшишга сафарбар этилмоқда.

**Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ ёзиб олди.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Б. Содиқов раҳбарлигида қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани қувонарли. Чунончи, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш тармоғини реконструкциялаш учун 6,797 миллион, NPK-ўғитлар ишлаб чиқариш учун 17,754 миллион АҚШ долларини ўзлаштириш кутиляпти. Корхона менежерлари яқин йилларда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида 15 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилишини башорат қилишяпти. Бу каби инновацион фаолиятни амалга ошириш учун "Модернизация жамғармаси ва янги технологиялар тўғрисида Низом" ишлаб чиқилган бўлиб, ўтган йили илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун жамғарма ҳисобидан 63 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

– Корхонамиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи турли кўргазмали қуроллар ва рисолаларни тез-тез янгилаб турамиз, – дея суҳбатни давом эттирди Баҳодир Содиқов. – Чунки бизда янгилик ва қувончли хабарлардан кўпи йўқ. Ташаббускорлик муҳити шуни талаб қилади. Корхонага келадиган меҳмонлар ва журналистларни янгиликларимиз билан таништиришга ҳаракат қиламиз. Яқинда чиқарган китобимиз саҳифасига суперфосфатни поток усулида ишлаб чиқариш ва таркибидаги азот миқдори камайтирилган фосфорли "PS-Агро" ўғити технологиясини киритиб қўйдик.

Корхона "Савдо лидерлари клуби" халқаро ташкилотининг доимий аъзоси бўлиб, маҳсулотларини дунёга машҳур саноат-ахборот нашрларида мунтазам реклама қилиш имкониятига эга. Шунингдек, корхона республика ва Россия Федерациясидаги илмий-тадқиқот институтлари билан узвий ҳамкорликда. 2007 йили "Sern management" сертификатлаш ташкилоти "Аммофос-Максам"га 9001:2000 стандарти талабларига жавоб берувчи халқаро мувофиқлик сертификатини тақдим этди.

"Arka Evropa", "Олтин соврин", "Сифат учун", "Evromarket"... Булар – сўнгги йилларда корхонанинг қатор халқаро танловларда қўлга киритган мукофотлари. Корхона ишчи-хизматчилари бу мукофотларни ҳар кўрганларида қалблари фахр-ифтихорга тўлади. Улар бежиз берилмаган. Бири рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, яна бири тижорат соҳасидаги нуфузи учун тақдим этилган. Маҳсулот сифати ва экспорт соҳасида эришилган ютуқлар ҳам муносиб тақдирланяпти.

Илгари корхона фаолияти ҳақида сўз очилса, фақат асосий маҳсулот ҳисобланмиш юқори концентратланган, сувда эрувчан, ҳар қандай тупроқли ерларда барча экин турларини озиқлантиришда фойдаланиладиган азот-фосфорли ўғит – аммофос асосий мавзу бўларди. Бугун эса, корхона маҳсулотлари талайгина. Аммоний сульфат, моноаммоний-фосфат, аммоний сульфат фосфат, супрефос, тринатрийфосфат, ёғоч-толали плиталар... Уларга қўшимча минерал ўғитлар, қўлқоп, халат, иш кийимлари ҳам дўкон ва бозорларга чиқариляпти. Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилда 146 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 164,7 миллиард сўмга етди.

Барча цехларда иш қизғин. Бу ерда ҳамма ўз ишини билиб қилади. Корхона фаолиятида техника таъмири, транспорт хизмати, назорат бўлими, энергия ва сув таъминоти цехларининг ўз ўрни бор. Бошқарув раиси 80 дан ортиқ рационализаторлик таклифларини киритди. Агар улар саноатга татбиқ этилса, ярим миллиард сўмдан зиёд иқтисодий самарага эришиш мумкин. Халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган нуфузли анжуманларда 14 та патент, кўпгина илмий мақола ва илмий ишлар муаллифи сифатида унга сўз беришади.

# КАСБДОШ, МУТАХАССИС, РАҲБАР

Унинг айтишича, корхона коллеж битирувчилари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экан. Чунки малакали ва тажрибали мутахассислар ўзларига муносиб издош сифатида шогирд тайёрлашади. Эртага нафақага чиқишадиган бўлса, кадр танқислиги муаммоси қийнамайди. Шу сабабли 2011 йили корхонага бириктирилган коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида 65 та бўш ўрин яратилди. Ўтган йили эса, 115 битирувчи иш фаолиятини бошлади. Дарвоқе, охирги уч йилда 42 та касаначилик ўрни ҳам очилган.

– Биз атроф-муҳит муҳофазаси ва ободонлаштириш масаласига катта эътибор берамиз, – дейди Б. Содиқов. – Шунга кўра, меҳнат хавфсизлигининг уч босқичли назорат тизимини йўлга қўйганмиз. Оқава сувларининг ёпиқ айланма ҳаракати яхши самара беряпти. Бунда оқавалар нейтраллаш станциясида зарарсизлантирилиб, асосий ишлаб чиқаришга қайтарилади. Атмосферадаги зарарли моддалар таркиби доимо текшириб турилади.

Корхонадагилар меҳнатга яраша ҳордиқ чиқаришни ҳам билишади. Чимёндаги соғломлаштириш мажмуаси, тоғ-чанғи спорт маркази ва болалар оромгоҳи ишчилар ва уларнинг фарзандлари доимо ошиқадиган масканларга айланиб улгурган. Барча қулайликларга эга санаторий-профилакторий ҳам улар ихтиёрида.

Хуллас, Баҳодир Содиқов хушмуомалалиги, қатъиятлилиги, куюнчаклиги, ҳамиша ёрдамга тайёрлиги, жамоат ҳаётида фаол иштироки билан корхона жамоаси ва шаҳар аҳолиси ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА.**

Байрамона кайфият улашиб

# ФИДОЙИ АЁЛЛАР ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

**Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, энг чекка қишлоқларида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида "Фидойи аёллар эзгу мақсад сари" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этди. Истиқлолимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрамолди учрашувларида энг фаол аёллар, олималар, халқ таълими фидойилари, шоиралар, эл севган хонандалар, матбуот хизмати ходимлари иштирок этди.**



Суҳбатларда истиқлол неъматлари, айниқса, аёллар ва ёшларга берилган имконият, яратилаётган шароитлар, улардан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйган, бандлик масаласига ҳисса қўшаётган, мустақил Ватан равнақи йўлида жон куйдираётган фидойилар ҳақида сўз борди. Обод турмуш, мустаҳкам оилалар бекалари, оқила, мард, жасур аёллар барчани эзгуликка, шукроналикка, шу билан бирга огоҳликка чорлаши алоҳида таъкидланди. Яхши ният, эзгу мақсадда уюштирилган тадбирлар айниқса, Бекобод, Бўстонлиқ, Паркент, Қуйи Чирчиқ, Чиноз каби шаҳар ва туманлардаги қишлоқларда, маҳаллаларда кўтаринки кайфиятда ўтди.



Шундай учрашувлардан бири Ангреннинг энг олис қишлоқларидан бири Лашкаракда уюштирилди. Маҳалла раиси Исмонали Тоштемировнинг айтишича, бу тоғу тошларга жон бағишлаб яшаётган 887 кишили аҳолиси меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги билан 144 оиланинг ободлиги ва мустаҳкамлигини таъминламоқда.

– Халқимиз яхши сўзга, эътибор ва эътирофга муштоқ, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Кумушой Шораҳмедова. – Юртбошимизнинг энг чекка қишлоқларга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани аҳолининг кайфиятини кўтариб, ғайратига ғайрат қўшди. Бугунгидек, байрамолди тадбирлар, вилоятнинг фаол хотин-қизлари иштирокидаги учрашувлар одамларда эртанги кунга ишонч, умид, Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаётир.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Миннатдорлик

**Кўп йиллар Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларида масъул лавозимларда ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман.**

# РАҲМАТИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ!

Яқинда юрак хуружи билан Ўзбекистон металлургия комбинатига қарашли шифохонанинг "Умумий терапия" бўлимида даволандим. Кўрсатилган тиббий муолажалар натижасида қисқа фурсатда касалликдан фориғ бўлдим. Бўлимда ўрнатилган ички тартиб-интизом, осойишталик, озодалик, шифокорларнинг ҳар бир беморга хушмуомалалик билан муносабатда бўлишлари хаста кўнглимни тоғдек кўтарди.

Соғайишимга бегараз беминнат хизмат кўрсатган бош шифокор Бахтиёр Сангилов, бўлим бошлиғи Муборак Холиқназарова, даволовчи шифоркорлар Мансур Эргашев, Барно Жамбилова, ҳамширалар Феруза Ҳабибуллаева, Дилфуза Шарипова ва Гулнора Маллаевага самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Алижон ТУРСУНМАТОВ, халқ таълими аълочиси, Бекобод тумани.**

Томорқа – туганмас хазина

**Маълумотим – олий. Мутахассислигим яшаётган манзилимдан анча узоқларда ишлашни тақазо этарди. Аммо оилавий шароитим туфайли қишлоқда қолишга мажбур бўлдим.**

# ИШЛАГАН ТИШЛАЙДИ

Хўш, бу ерда нима иш қиламан? Оиламни қандай боқаман? Шу масала мени тадбиркорлик билан иш юритишга, эл қатори оила бешигини тебратиш учун қаттиқ меҳнат қилишга даъват этди.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли эга бўлган томорқамизга бор эътиборни қаратдим. Турмуш ўртоғим билан унинг ҳар қаричидан омилкорлик билан фойдаланишга қарор қилдик. Шу мақсадда ўтган йили 7 сотих майдонга иссиқхона қурдик. Уни қуришга умуман темир ишлатмадик. Бешта алоҳида-алоҳида иссиқхонанинг атрофини бир метр баландликда хом ғишт билан ўраб, сувадик, устини ёғоч билан ёпиб, полиэтилен плёнка тортдик.

Бу йил қиш охирларида иссиқхонага гулкарам, помидор ва бодринг эккан эдик. Ҳосил ҳам, даромадимиз ҳам ёмон бўлмади. Биринчи ҳосилни тугатиб, ўрнига булғор қалампири ва сабзи экиб қўйганмиз. Уларни яқин кунларда йиғиштириб олиб, ўрнига бодринг, карам ва бошқа сабзавотлар экмоқчимиз. Булар куз ва қиш дастурхонига асқотади.

Хуллас, меҳнатимизга яраша даромадимиз ҳам, даромадга яраша буромадимиз ҳам ёмон бўлаётгани йўқ. Турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан элдан кам яшамаяпмиз. Енгил машинамиз бор, ҳовли-жойимизни яхшилаш, тўй қилиш тараддудидамиз.

Айримлар дангасалиги оқибатида 10-15 сотих томорқасини ўт бостириб, ҳосил олмай, даромадсиз ўтирибди. Бундайлар пул топиш учун узоққа кетиб ишлашни, сарсон-саргардонлик билан кун кечиришни ўзларига раво кўрадилар. Ваҳоланки, ўз юртингда, бола-чақанг олдида ишлаб, хотиржам яшаш учун ҳамма имконият бор. Бунинг учун жиндай ҳафсала ва ишбилармонлик бўлса бас. Озгина томорқадан мўмай даромад олиб, дастурхонини бойитиш ва юрт равнақига ҳам ҳисса қўшиш мумкинлигини ўз ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Пешона тери тўкиб, ўз ерини ардоқлаган деҳқон ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Тоҳиржон МАРАСУЛОВ, Бекобод тумани Бобур Мирзо маҳалласи, оилавий тадбиркор.**

Бугуннинг гапи

# МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

**Яқинда умумтаълим мактабларида янги ўқув йилининг биринчи қўнғироғи чалинади. Вилоятимиздаги сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқарган болажонлар янги куч, янги ғайрат билан севимли мактаблари қучоғига қайтадилар.**

Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг "2013-2014-ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Унинг ижросини таъминлаш, жойларда мактаб бозорлари ва ярмаркаларини талаб доирасида ташкил этишни назорат қилиш мақсадида 10 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Фармойишга биноан вилоят бўйича 807 та мактабнинг 326 минг 991 нафар ўқувчисига хизмат кўрсатадиган мактаб бозорлари ва ярмаркалари иш бошлади. Бунинг учун 76 та мактаб, 36 та буюм, 18 та озиқ-овқат бозорлари ҳамда 36 та йирик савдо мажмуаларидаги дўконларда махсус жойлар ажратилди. Бу ерда керакли барча ўқув қуролларини харид қилиш мумкин. Дафтар, китоб, қалам, ручка, чизғич дейсизми, бари муҳайё. Мактаб формасини ҳам ярмаркалардан топиш мумкин. Вилоятимиздаги тикувчилик цехлари уларни бежирим қилиб, тайёрлаб беришмоқда.

Дарсликлар ва ўқув қуролларини мактаб бозорларию ярмаркалардан харид қилсангиз анча арзонга тушади. Мутасаддилар пластик карточкалар орқали тўлаш масаласини ҳам олдиндан ўйлаб қўйишган.

– Мактаб бозорлари ташкил этиладиган умумтаълим даргоҳларига туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ҳамда ташкил этиш бўлимларининг ходимлари масъул этиб тайинланган, – деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Убайдулла Парпиев. – "Вилоятбозорсавдо" ва "Матлуботсавдо" ташкилотлари мактаб бозорларига 27 номдаги буюмларни етказиб бериш билан шуғулланяпти. Вилоят солиқ бошқармасига эса, ўқув қуроллари нархи сунъий оширилмаслигини назорат қилиш вазифаси топширилган.

– Бир эмас, 5 набирам мактабга қатнайди, – дейди оққўрғонлик Каромат ая Пиримқулова. – Ёнгинамизда мактаб бозори ташкил этилгани айни муддао бўлди. Нархлари ҳам чўнтакбоп. Оилавий бориб, керакли ҳамма нарсани харид қилиб қайтдик.

Маълумотларга қараганда, бу йил 44 минг 266 ўқувчи умумтаълим мактабларининг биринчи синфига қабул қилинади. Улар учун Президент совғалари тахт қилиб қўйилган. Вилоятдаги ижтимоий таъминотга муҳтож оила фарзандлари учун мактаблар ҳисобидан бепул кийим-кечак ва ижарага дарсликлар берилар экан.

– Паркент туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқийман, – дейди Шаҳноза Абдусатторова. – Шу кунгача кўплаб кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келяпман. Бу йил она тили ва адабиёти бўйича республика босқичидаги билимлар беллашувида биринчи ўринни қўлга киритдим. Илгари мактабга тайёргарлик кўриш учун ота-онам билан пойтахтга бориб келар эдик. Туманимизда кўплаб мактаб бозорлари ташкил этилганидан хурсанд бўлдим. Ота-онам олиб берган кундаликни фақат беш баҳолар билан тўлдиришга ҳаракат қиламан.

**Хуршида НАЗАРОВА.**




**СУРАТДА:** Янгийўл тумани марказида ташкил этилган мактаб ярмаркаси харидорлар учун айни муддао бўлди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ЁЗНИ «КАМАЛАК» БИЛАН

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка туман кенгаши "Ёзни – "Камалак" билан" лойиҳаси асосида тумандаги ўқувчиларнинг таътилини мазмунли ўтказишига алоҳида эътибор бермоқда.**

Яқинда 15-меҳрибонлик уйининг Бўстонлиқдаги болалар оромгоҳида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Туман кенгаши оромгоҳ болалари учун турли ўйинлар, маърифий суҳбат ва спорт мусобақалари уюштирди. Унда фаол иштирок этган ёшлар кенгаш томонидан тайёрланган эсдалик соғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лойиҳа асосида ўтказилаётган тадбирлар бошқа болалар оромгоҳларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Юлдузхон Муҳиддинова.**

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# ЁРУҒЛИК МАСКАНИ

**Тошкент воҳасининг кенгликлари бепоён ва бетакрор. Унинг кўз илғамас сарҳадларида шу заминда истиқомат қилган ва унга чексиз меҳр қўйган халқларнинг буюк ўтмиши ўз изларини қолдирган. Ҳар бир тепалик бунинг ёрқин далили. Улар ўз қаърида сақлаётган бор сир-синоатларни тўлалигича ошкор этгани йўқ. Аммо ушбу тарихий тилсимлар ўлкашунос ва олимларни аллақачонлардан бери ғоят қизиқтириб келади. Балки, буюк аждодларимиз қўлида сайқалланган турли шаклу шамойилдаги ажабтовур рўзғор идишлари ёхуд қаттиққўл ҳукмдорнинг буйруғи билан тайёрланган бирор безак буюм қолдиқлари топилиб, бизни узоқ аждодларимиз турмуш тарзидан воқиф этар. Яна ким билади дейсиз?**

Ўтмишдан ёдгорлик бўлган бундай қадамжолар орасида шундайлари ҳам борки, улар билим нури билан йўғрилган. Ўзига мафтун этувчи қудратли кучга эга. Бундай жойларга бир бор қадам ранжида қилган киши яна қайта-қайта келаверади. Зеро, бундай қадамжоларда буюк ўтмиш ва жонли хотираларга оид сир-синоатлар бисёр.

Олмалиқ шаҳридан Шарқ томон 26 чақирим масофада Коулди (кўҳна кон) ҳудудида ноёб Қорихона ёдгорлиги бор. У ҳақда кўплаб тахминлар ва қизғин баҳс-мунозаралар давом этаяпти. Кўплаб фараз ва мулоҳазалар археолог олимларда ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда. Нақпойсойнинг чап соҳили (Оҳангарон дарёсининг сўл ирмоғи) даги Қорихона ёдгорлиги нафақат бизнинг вилоят, балки Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари аҳолиси учун ҳам муқаддас қадамжо ҳисобланади. Машҳур археолог ва шарқшунос олим Михаил Массон 1934 йилда ушбу ёдгорликни тадқиқ этди. Ёдгорлик ўрмон билан қопланган тепалик бағридаги ғорли иншоот бўлиб, диаметри 50 метрга боради. Тепаликнинг баландлиги эса, қарийб 17 метр. М. Массон бу ерда, тепалик устида, афтидан тошдан тикланган иншоот бўлганлигини аниқлади. Тепаликнинг ичида 18 та хона борлиги маълум бўлди. Улардан бирида қабр бўлиб, устида лойдан тикланган сағана муаллақ турарди. Ўша 1934 йилдаёқ олим бу ердаги мадрасага асос солган Эшмуҳаммадхожи шу қабрга дафн этилганига аниқлик киритган эди.

1992 йилда Олмалиқ ўлкашунослик музейи негизида тузилган археологик экспедиция Қорихонага ташриф буюрди. Экспедиция ишига Олег Ростовцев бошчилик қилди. Бу чинакам жонбоз олимлар, иқтидорли ишқибоз қидирувчилардан иборат ижодий гуруҳ эди. Тарих фанлари докторлари Олег Ростовцев, Мирвоҳид Қосимов, республика Фанлар академияси археология институтининг энг иқтидорли ходимлари Валерий Набоков, Қобил Олимов бу ёруғ дунёни тарк этишди. Ҳозир уларнинг дўсти, маслакдош ва сафдоши Юрий Буряков бу хайрли ишларни зўр бериб давом эттираяпти.

Бугун биз Қорихона ҳақида сўз очар эканмиз, албатта, Худо юксак иқтидор берган олим, чарчаш нималигини билмайдиган заҳматкаш, хушчақчақ, қувноқ инсон – Олег Ростовцевни ёдга оламиз. Ва албатта, Қорихона ёдгорлигини ўрганишга бағишланган улкан меҳнатларини қадрлаймиз, миннатдорчилик билдирамиз.

Олег Ростовцев ва Вера Шаповалова Қорихонада 5 йилдан зиёд меҳнат қилдилар. Бу фидойи олим ва Олмалиқ музейининг кўнгилли ташаббускорига олмалиқлик талабалар ҳамда мактаб ўқувчилари ёрдам бердилар. Коулди олтин кони экспедицияга узоқ йиллар ҳомийлик қилди.

Экспедиция қуйидаги хулосага келди: Қорихона ягона ёдгорлик эмас, бу ерда бир қатор иншоотлар мажмуаси бўлган. Қўлга киритилган топилмалар – рўзғор буюмлари Қорихонанинг эрамиздан аввалги II-I асрларга тааллуқли эканини аниқлаш имконини берди.

Қорихона ёдгорлиги тавсифига келсак, у бешта гумбазли қурилма бўлиб, пахса ҳамда табиий тошлардан тикланган. Хоналари бир-бири билан ўтиш жойлари орқали боғланган. Ушбу ноёб иншоотнинг икки қавати шимол томондан човсимон зина орқали бирлаштирилган.



Қорихона ибодат иншооти бўлиб, сой соҳили томонга 45 даража бурчак остида оғдирилган. Деворлари ўта мустаҳкам, кенглиги 2 метрга боради. У мутлақо ёпиқ бино бўлиб, бирорта ҳам деразаси йўқ, михсиз ва тахта-ёғочсиз қурилган.

XIX асрда Қорихонанинг биринчи қаватлари Нақшбандия сўфийлик жамиятидан эшон Эшмуҳаммад асос солган билим масканига айлантирилган. Бу ерда мадраса ва масжид фаолият юритган.

Олмалиқлик ўлкашунос олим, Навоий кон-металлургия институтининг Олмалиқ филиали профессори Абдурашид Ҳасанов бу жойларни жуда яхши билади. У Эшмуҳаммадҳожининг авлодларини излаб топиш билан шуғулланмоқда.

Мен, ушбу сатрлар муаллифи Эшмуҳаммадхожининг набираси Шамсиддин қори авлодидан бўлган ушоққина онахон – Мукаррам аяни яхши эслайман. Табаррук ая яқинда бандаликни бажо келтирдилар. Аммо бу ўтмиш билан алоқа ришталари узилди дегани эмас.

Ҳозир Тошкент ва Фарғона вилоятларида илк сўфий устоз Эшмуҳаммад қорининг авлодлари яшамоқда. Уларнинг кўпчилиги боқий билим нури нозил бўлган ва Аллоҳга ибодат қилишни хайрли амал деб билган мўминларни ўзига чорлаган бу муқаддас қадамжоларга тез-тез келиб, зиёрат қилишади.

Олег Ростовцев бошчилигидаги экспедиция ноёб топилмалар тўплади. Улар ушбу фидойи олим воҳамиз манфаатлари учун қилган барча хайрли ишларига миннатдорчилик изҳори сифатида, албатта, эълон қилиниши лозим. Абдурашид Ҳасанов эса, табаррук зот Эшмуҳаммад қори, унинг авлодлари, Қорихонанинг ўзи ва бу қадамжони қадрлайдиган инсонлар ҳақида аллақачон ўйлаб қўйган китобини ёзади.

Бу – оддий жой эмас. У дунёвий зиё билан йўғрилган. Бу илм, билим, оқилу донолик зиёсидир.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБ томонидан Ангрен шаҳар ИИБ майдонида сақланаётган 2012 йил 16 январдаги 319/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. нархи – 8 715 109 сўм, 1989 йилда и.ч, д/р 11Н3476 бўлган, КАМАЗ 53208 русумли ва Ангрен шаҳар ИИБ Бўстон жарима майдонида сақланаётган 2013 йил 17 июндаги 8709/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. нархи – 1 900 000 сўм, 1984 йилда и.ч, д/р 10 Е 996 бўлган, ВАЗ 2107 русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якуни савдо тугаши билан савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу савдода сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 2 ва 18 октябрда ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан 27.02.2012 й. № 11-1130/25307-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 40 Б-уй, 55-хонадон. Бошланғич баҳоси – 169 450 000 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к ҳудудида жойлашган 2-блок, 2-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 67 847 400 сўм. 3. Бекобод тумани СИБ томонидан 05.12.2011 й. № 24069-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод тумани, А. Навоий ф/у, 1-бўлим, "Шова" маҳалласида жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 164 927 570 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 29 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан № 5288/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Зангиота тумани, Кўксарой қ.ф.й., А. Қодирий кўчасида жойлашган 8-сонли хонадон. Бошланғич баҳоси – 241 250 000 сўм. 5. Чилонзор тумани СИБ томонидан 16.04.2013 й. № 1-493/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Эркинлик кўчаси, 28-уй. Бошланғич баҳоси – 72 187 500 сўм. 6. Қибрай тумани СИБ томонидан № 4708/8-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон қ.ф.й., СВТ Юлдуз ҳудудидаги 50-уй. Бошланғич баҳоси – 46 897 428 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент вилоят Жиноят ишлари буйича судининг 08.11.2011й.даги ижро варақасига асосан, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, бошланғич нархи – 346 210 804 сўм бўлган, "Аркони Зафар" МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йулаклар сони 2 та, 1 та ёрдамчи хона, 1 та ҳожатхона, 1 та ошхонаси мавжуд бўлган бино кўчмас мулк қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 30 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.




**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 936/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Блема" РКНД 40.3 русумли тунка банка ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм.

2. Пискент тумани СИБ томонидан 24.12.2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Камаз 5320" д.р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси – 2 893 795,99 сўм. Пискент тумани, "Бунёдкор" МЧЖда сақланмоқда. 3. Пискент тумани СИБ томонидан 10.08.2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "Газ-53" д.р. 11 Х 6605. Бошланғич баҳоси – 12 135 882,24 сўм. Пискент тумани, ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. 4. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и.ч. "Нексия-GLE" д.р. 10 925 LAA. Бошланғич баҳоси – 17 185 500 сўм. 5. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1982 й. и.ч. "Автокран КС-3562 Б" Шасси Маз-5334 д.р. 11 АС 399. Бошланғич баҳоси – 8 635 500 сўм. Пискент тумани "Пахта тозалаш заводи" ОАЖда сақланмоқда. 6. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1986 й. и.ч. "Камаз" д.р. 11 К 3293. Бошланғич баҳоси – 9 143 659 сўм. 7. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1981 й. и.ч. "Камаз 53212" д.р. 10 R 639 АА. Бошланғич баҳоси – 9 065 900 сўм. 8. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1978 й. и.ч. "Камаз 5320" д.р. 11 I 2685. Бошланғич баҳоси – 7 686 323 сўм. 9. Бекобод тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1989 й. и.ч. "Москвич" д.р. 11 R 9813. Бошланғич баҳоси – 198 654 сўм. 10. Бекобод тумани СИБ томонидан 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатларига асосан "Урал" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 408 467 сўм. 11. Бекобод тумани СИБ томонидан 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатларига асосан "Урал" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 408 467 сўм. 12. Бекобод тумани СИБ томонидан 26.02.2013 й. № 25202-сонли ижро ҳужжатларига асосан "Исузуфарго" д.р. 11 J 9010. Бошланғич баҳоси – 4 056 156 сўм. 13. Бекобод тумани СИБ томонидан 06.12.2012 й. № 24806-сонли ижро ҳужжатларига асосан "Газ-31029" д.р. 11 Е 7153. Бошланғич баҳоси – 2 855 493 сўм. Бекобод тумани "Ёшлик" ХХСКда сақланмоқда. 14. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.06.2011 й. № 6908-сонли ижро ҳужжатларига асосан 2006 й. и.ч. "Газ 31105" д.р. 10 Q 367 СА. Бошланғич баҳоси – 4 001 069 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. 15. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1999 й. и.ч. "Волво" д.р. 17 V 6746. Бошланғич баҳоси – 34 109 078,16 сўм. 16. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1995 й. и.ч. "Sk-24" д.р. 19 А 351. Бошланғич баҳоси – 26 947 227,66 сўм. 17. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1999 й. и.ч. "MAN" д.р. 16 М 6959. Бошланғич баҳоси – 46 512 379,335 сўм. 18. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.03.2013 й. № 1-43-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1986 й. и.ч. "Ваз-21013" д.р. 01 W 609 GA. Бошланғич баҳоси – 3 710 881,72 сўм. 19. Бектемир тумани СИБ томонидан 31.01.2013 й. № 55-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1985 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 01 К 728 ВА. Бошланғич баҳоси – 4 045 128,76 сўм. 20. Бектемир тумани СИБ томонидан 14.02.2013 й. № 1-68-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1980 й. и.ч. "Ваз-2106" д.р. 01 Q 690 NA. Бошланғич баҳоси – 4 993 100 сўм. 21. Янгийўл тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й. ижро ҳужжатларига асосан 1989 й. и.ч. "Москвич-412 ИЭ" д.р. 11 К 7764. Бошланғич баҳоси – 532 648,7 сўм. Янгийўл тумани, Янгийўл Савдо Файз Барака МЧЖда сақланмоқда. 22. Янгийўл тумани СИБ томонидан 19.12.2008 й. ижро ҳужжатларига асосан 1979 й. и.ч. "Уаз-Б" д.р. 11 А 2595. Бошланғич баҳоси – 235 030,4 сўм. 23. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.10.2008 й. ижро ҳужжатларига асосан 1961 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 6686. Бошланғич баҳоси – 808 824,7 сўм. Янгийўл тумани, Гулбахор қ.ф.й., "Гулбахор Матлубот Савдо" МЧЖда сақланмоқда. 24. Янгийўл тумани СИБ томонидан 04.10.2012 й. ижро ҳужжатларига асосан 2010 й. и.ч. "Captiva RLG" д.р. 10 070 КАА. Бошланғич баҳоси – 63 906 975 сўм. Янгийўл тумани, Гулбаҳор қ.ф.й., Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 29 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 25. Миробод тумани СИБ томонидан 22.07.2013 й. № 27355/6-сонли ижро ҳужжатларига асосан 2010 й. и.ч. "Нексия Донс" д.р. 01 L 724 КА. Бошланғич баҳоси – 25 119 763 сўм. 26. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатларига асосан 2000 й. и.ч. "Опел Омега" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 20 767 000 сўм. 27. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатларига асосан "Ср416" плуг для обработки полей. Бошланғич баҳоси – 98 718 174 сўм. "Зафар-И" ХИЧТК божхона омбори, Тошкент шаҳар, Эски Отчопар кўчасида сақланмоқда. 28. Паркент тумани СИБ томонидан 16.10.2012 й. № 1-5281-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1997 й. и.ч. "Тико" д.р. 10 АА 436. Бошланғич баҳоси – 4 271 000 сўм. Паркент тумани МТП ОАЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 09.08.2013 йилдаги 64-сонида чоп этилган "Республика мулк маркази" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг эълонидаги Тошкент вилояти Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармаси томонидан савдога чиқарилган автотранспортнинг "Савдоси 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 13 сентябрь куни соат 18:00. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 16 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 18 сентябрь куни соат 10:00 да ўтказилади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 18 сентябрдаги савдо учун 16 сентябрь соат 18:00", деб ўқилсин.

Бектемир туман ТСРЎИ томонидан 2006 йил 6 майда № 000328-02 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "BONUR BARAKA" (ИНН 206507164, ОКПО 20812059) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ**.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади: 601-53-53, 601-55-55.

"ALFA BUSINESS" (ИНН 302625708) МЧЖ ўз низом жамғармасини 21 082 758 620,69 (йигирма бир миллиард саксон икки миллион етти юз эллик саккиз минг олти юз йигирма) сўм 69 тийиндан 9 082 758 620,69 (тўққиз миллиард саксон икки миллион етти юз эллик саккиз минг олти юз йигирма) сўм 69 тийинга камайишини маълум қилади.

ООО "ZLATA OPTIC" (ИНН 301583176), зарегистрированное в хокимияте Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 49 599 000 сум до 25 400 000 сум.

Яккасарой туман ТСРЎИ томонидан 2006 йил 23 июнда № 002422-11 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "KICHIK BESHYOG'OCH KOMMUNALCHI" МЧЖга тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**СП ООО «NATIONAL PLAST»**
**приобретает переработанные отходы из ПВХ.**
**Обращаться по телефону: (+99871) 221-41-26.**

**ЧП ООО «MERLONY technology»**
**приобретает переработанные отходы из ПВХ.**
**Обращаться по телефону: (+99871) 221-41-26.**

ООО "FAN-SITI-KAPITAL" (ИНН 206636718), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестровым № 000886-06, почтовый адрес: ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес общества: массив Сергели-3, д. 4, кв. 65 объявляет об уменьшении уставного фонда с 88 011 200 сум до 78 000 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 501-70-01.

"ASLOYBEK SAVDOSI" МЧЖ устав жамғармаси 57 862 600 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Якка тартибдаги тадбиркор Набиев Ботир Анварович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ИП ООО "SIBERIAN HEALTH" (ИНН 302103043) Мирабадского района сливается с ИП ООО "SIBIRSKOE ZDOROV'E" (ИНН 301318170) Мирабадского района.

Претензии принимаются в течении двух месяцев по тел.: (8-371) 281-45-38 или по адресу: г. Ташкент, ул. Авлие-ота-14-15.

Тошкент Давлат политехника институти томонидан 1990 йилда Мухторов Нуриддин Муротўвич номига берилган FV № 922623 (тартиб рақами № 862063) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ҳокимиятида рўйхатга олинган "SILVER STAR SERVICE" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SILVER STAR SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"SIZIN TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Аёллар футболи

# БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

**Энди Ўзбекистонда футбол жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини қайта-қайта таъкидлашга ҳожат йўқ. Бундан бутун дунё хабардор. Кескин юксалишнинг асосий сабабларидан бири шуки, аввало, мамлакатда бу севимли спорт турини кенг оммалаштириш учун мустаҳкам моддий-техник база яратилди. Клуб ҳамда терма жамоаларда машғулотлар савияси юксалиб, жаҳон даражасига яқинлашди. Буни ўсмир ҳамда ёшлар терма жамоаларимиз халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эргашиб, амалда исботламоқда.**



Бугунги кунда аёллар футболини ҳам кескин ривожлантириб, жаҳон микёсида муносиб ўрин эгаллаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Аёллар ўртасидаги бу йилги Ўзбекистон чемпионати янги тартибда ўтказилмоқда. Яъни аёллар жамоалари учрашувларни уйда ва меҳмонда ўтказади.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган "Бекобод вумен" профессионал футбол клуби жамоаси бу йилги чемпионатни йирик ғалаба билан бошлади. Қизларимиз ўзларининг "Металлург" ўйингоҳларида Самарқанднинг "Динамо-плюс" жамоасини йирик – 5:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Ўйингоҳни тўлдириб ўтирган футбол ишқибозлари қизларимизнинг ҳам тактик, ҳам техник маҳоратларидан завқ олдилар. Дарвозаларга киритилган тўплар ҳам бири-биридан чиройли бўлди. Моҳир ўйинчи Нозима Камолтоева рақиб дарвозасини икки бор забт этиб, жамоасининг ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди.



Қизларимиз ўтган якшанба куни чемпионатнинг пешқадам жамоаларидан бири бўлган "Локомотив"га қарши тўп суришди. Гарчи, вакилларимиз бу сафар ғалабага эришолмаган бўлишсада, шундай номдор жамоа билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашнинг ўзи қувонарли натижадир. Ҳозир "Бекобод вумен" икки тур натижасига кўра, биринчи ўринни забт этиб турибди.

– "Ўзметкомбинат" ёрдами билан машғулот ўтказишимиз учун ҳамма шароитлар яратилган, – дейди "Бекобод вумен" клуби бош мураббийи Шерали Бобоқулов. – Буни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Дастлабки икки ўйин натижаси буни яққол кўрсатиб турибди. Навбатдаги учрашувлар янада қизғин кечиши кутилаяпти. 14 август куни энг кучли рақиб – "Андижанка" жамоасини қабул қиламиз. Аммо биз бундан чўчимаймиз. Чунки, асосий мақсадимиз – чемпионатда совринли ўринларни эгаллаш.

**Ўз мухбиримиз.**




## НЕФТЬ РЕЗЕРВУАРИГА ЯШИН ТУШДИ

**Венесуэладаги давлат компанияларидан бирига тегишли нефтни қайта ишлайдиган заводда яшин тушиши оқибатида кучли ёнғин юз берди, дея хабар тарқатди CNN телеканали.**

Компания вице-президенти Чавеснинг маълум қилишича, воқеа 11 август якшанба куни соат 15 ларда содир бўлган. Нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарга яшин тушиб, ёнғин бошланган. Натижада завод ҳудудида бир нечта портлашлар содир бўлган. Гувоҳларнинг айтишича, кучли олов бир неча 10 метр баландликка кўтарилган.

Пуэрто-ла-Крус шаҳрининг шошилинч хизмати вакиллари, шунингдек, завод маъмурияти ёнғин оқибатида ҳалок бўлганлар ёки шикаст топганлар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини таъкидладилар. Ушбу компаниянинг бошқа шаҳарда жойлашган яна битта заводида 2012 йилнинг августида юз берган ёнғин оқибатида 48 киши ҳалок бўлган ва юзлаб одамлар жароҳатланган эди.



## ГРЕЦИЯДА КЕТМА-КЕТ ЕР СИЛКИНДИ

**Мамлакатнинг Фтиотида туманида, Афинадан тахминан 120 километрлар шимоли ғарбда 5,3 магнитуда куч билан ер силкиниши қайд этилди.**

Зилзила маркази 10 километр ер қаърида бўлган. Бундан аввал шу минтақада 4,1 балли зилзила қайд этилган.



Сейсмологларнинг маълумотига қараганда, ер силкинишлари Афинада ҳам яққол сезилган. Умуман 1,9 дан 4,7 баллгача бўлган жами 70 та ер силкинишлари қайд этилган. Табиий офат натижасида қишлоқ жойлардаги бир қанча уйларга зарар етди, уларнинг айримлари яшаш учун яроқсиз ҳолга келди.

Греция юқори сейсмик зонада жойлашган. Шу боис мамлакат ҳудудида кунига 3 магнитуда кучга эга бир неча ўн марта ер силкиниб туради.

## ЭСКИ ШАХТАДА ЁНҒИН

**Швециядаги эски шахталардан бирида 11 августда юз берган ёнғин жараёнида 30 га яқин шахтёрларни хавфсиз жойга ўтказишга муваффақ бўлинди.**



Ёнғин 800 метрга яқин чуқурликда содир бўлди. Натижада тўрт шахтёр авария ҳолатидаги хонада қамалиб қолди. Бироқ, ўт ўчирувчилар қутқариш операцияси чоғида уларни хавфсиз жойга кўчиришга эришдилар. Улардан ташқари яна 26 киши эвакуация қилинди. Олов бир соат ичида ўчирилди.

Шахта эгаси бўлган Boliden компанияси матбуот хизматининг маълум қилишича, табиий офатдан ҳеч ким жабр кўрмади. Ёнғин сабаблари ҳақида эса маълумотлар тарқатилмади. Норвегиянинг NRK компанияси маълумотларига қараганда, машиналардан бирининг ёниб кетгани умумий ёнғинга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Ушбу шахтада кўмир қазиб олиш XIII асрда бошланган эди. Ҳозир ҳам рух, қўрғошин, мис, олтин ва кумуш қазиб олинмоқда.

## ГУМОНДОР ҲИБСГА ОЛИНДИ

**Франциянинг Le Monde газетасининг ёзишига қараганда, 11 август куни мамлакат жанубида автоҳалокатга учраган автобус йўловчиларидан бири бахтсиз ҳодисага сабабчи бўлганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинди.**



33 ёшли украиналик бу фуқаро испаниялик ҳайдовчи билан жанжаллашиб қолиб, автобус рулини кескин буриб юборганлигини тан олди. Аммо, йўловчи билан ҳайдовчи ўртасида нима учун жанжал келиб чиққанлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Авария 11 август куни Од департаментида тунда содир бўлди. Марселдан Испаниянинг Мурсия шаҳрига келаётган сайёҳлар автобуси шосседан четга чиқиб кетиб, бир неча метрли чуқурликка қулаган. Натижада икки йўловчи ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг бири Франция, иккинчиси Испания фуқароси, ёшлари 54-55 да. Яна 30 киши жароҳатланди. Йўловчилар орасида Россия, Украина, Испания, Франция фуқаролари бор эди.

## ХИТОЙДА ТЎФОН ХАВФИ

**"Ютор" деб номланган тўфон яқинлашиб келаётгани сабабли Хитойда фавқулодда вазият эълон қилинди.**



Мамлакатнинг денгиздаги об-ҳаво шароитини башорат қилувчи миллий маркази шу хабарни тарқатди. Дастлабки маълумотларга қараганда, "Ютор" мамлакат жанубидаги Гуандун вилоятига таҳдид солади. Жанубий Хитой денгизининг шарқий ва шимолий қисмида сув тўлқини 8 метрга, Гуандун соҳилларида эса 1,5-2,5 метрга етади. Шу боис миллий марказ кема капитанларига қирғоққа қайтишни маслаҳат берди.

## «ОЛОВЛИ ҲАЛҚА»ДА ЯНА ЗИЛЗИЛА

**АҚШнинг геология хизмати тарқатган хабарга кўра Индонезияда 6 магнитуда куч билан ер силкиниши қайд этилди.**



Зилзила Саумлаки оролидан шимоли-ғарбда юз берди. Зилзила маркази уммонда, 92 километр чуқурликда бўлган. Цунами содир бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот тарқатилмади. Шунингдек, қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳам ахборот берилмади.

Маълумки, Индонезия Тинч океанидаги "оловли ҳалқа"да жойлашган. Бу ерда тез-тез ер силкиниб, вулқонлар отилиб туради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ижод завқи

# ЮРТНИ МАДҲ ЭТМОҚ – ОЛИЙ САОДАТ



«... Дарбадар бўлмаса ким *юрт қадрин билмас эмиш...».*

Ушбу қўшиқни тинглар экансиз, ўз Ватанидан йироқда дарбадар юрган, юрт соғинчи ила мусофирчиликни бошидан ўтказаётган кишилар кўз ўнгингизда гавдаланади. Қўшиқнинг майин, сеҳрли оҳанги сизни узоқ хорижга етаклаш билан бирга она диёримизнинг бетакрор ҳусну тароватини бутун жозибаси билан намоён этади.

Анор Назаров куй басталаган, шоир Барот Исроил қаламига мансуб "Юрт қадри" қўшиғини хонанда маромига етказиб ижро этган, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, бу қўшиқнинг карийб 20 йил бурун – мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилганини эътиборга олсак, хонандага ихлосимиз янада ортади.

Ушбу қўшиқ ижрочиси Зоҳида Умарова Тошкент театр ва рассомчилик институтида мусиқали драма актёри мутахассислиги бўйича ўқиб юрган чоғида ўзига хос овози билан танила бошлади. Дастлаб Учқун Назаровнинг "Сени излаб" видеофильми учун ёзилган қўшиқни ижро этиб, кўпчиликка танилди. Аммо институтни битиргач, театрда ишлашдан кўра, ўзининг Қуйи Чирчиқ туман Гул қишлоғига келиб, болаларга мусиқадан дарс беришни афзал кўрди. Шу билан бирга таниқли шоир ва бастакорлар билан ҳамкорлик қилиб, янги-янги қўшиқлар яратиш устида иш олиб борди. Натижада Алишер Икромов мусиқаси, Туроб Ниёз шеъри билан "Ҳижрон", Рустам Абдуллаев мусиқаси, Сайёра Тўйчиева шеъри билан "Севгилим" қўшиқлари пайдо бўлди ва йирик саҳналарда ижро этилди.

Ижод ишқи Зоҳидани яна – Ватанимиз маданият маркази – пойтахтга етаклади. 2007 йилгача Ўзбекистон радиоси бадиий жамоалар дирекциясида хонанда бўлиб ишлади. 2009 йилдан буён туман маданият ва спорт ишлари бўлимини бошқармоқда.

– Орада анча йиллар Сизни катта саҳналарда, ойнаи жаҳонда кўрмадик. Бунинг сабаби нимада? – сўраймиз хонандадан.

– Ҳақиқий ўзбек аёли учун оила ҳамма нарсадан, ҳатто ижоддан ҳам устун туради. Оила, фарзандлар ташвиши билан бўлиб 10 йилдан ошиқроқ танаффус қилдим. Мана, фарзандларим вояга етиб, яна саҳнага қайтдим ва янги куч-ғайрат билан қўшиқлар яратишга киришдим.

Суҳбатимиз асносида Зоҳидадан қандай қўшиқлар устида ишлаётганини сўраганимизда:

– Ватан ҳақида янги қўшиқ тайёрлаяпман. Унинг номи ва муаллифларини яқин кунларда ўзларингиз билиб оласиз, – дея жавоб берди у.

Ҳа, Она юрт ҳақида қанча қўшиқ яратилса, қанча куйланса ҳам оз. Чунки Ватандан азизроқ, Ватандан улуғроқ, Ватандан муқаддасроқ нарса йўқ ёруғ оламда... Ватан ҳақида қўшиқ куйлаш эса хонанданинг юксак фахри, олий саодатидир.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ҳангома

# ЎЗБОШИМЧАЛИКНИНГ «ЖАЗОСИ»

Муқимий театри Москвада гастролда. Ҳамид Ғуломнинг "Олтинкўл" мусиқали драмаси намойиш этилмоқда. Бош ролда Сойиб Хўжаев эди, аммо қўшиқ айтолмайди, деб роль бошқа актёрга берилган. Сойиб ака ҳар куни саҳна ортида, зерикиб ўтиради. Ниҳоят, у саҳнага бир бор бўлса-да, чиқмаса юраги тарс ёрилиб кетишини ҳис қилиб, ўзича бир қарорга келди. Бош ролдаги актёр раис ролида бригадирга танбеҳ бераётган пайтда, Сойиб ака ағдарма этик, галифеда, ер ўлчовчи қиёфасида саҳнага чиқдида, саржинлаб ер ўлчаб келиб, раис олдида таққа тўхтаб, ерга қозиқ қоқиб, сўнг раиснинг қўлига қоғоз тутиб, имзо қўйдиргач, бир оғиз ҳам сўз айтмай, саҳнадан чиқиб кетиши билан томошабинлар гулдурос қарсак чалиб юборишди.

Спектаклдан сўнг тўполон бошланиб кетди. Труппа мажлиси чақирилиб, Сойиб Хўжаевнинг саҳнадаги ўзбошимчалиги муҳокама қилинди. Ҳаммадан ҳам бош роль ижрочисининг ғазаби тошган.

– Драмада ер ўлчовчи йўқ эди, Сойиб Хўжаев ўзбошимчалик қилиб, нега саҳнага чиқади?! Хўжаев театрнинг душмани, ўзбошимчалиги билан мусиқий асарни ҳақорат қилди! У "Халқ артисти" деган унвонга нолойиқ, шунинг учун ундан унвон олиб ташлансин!

Ҳамма бош роль ижрочисининг гапини маъқуллади, фақат Ўзбекистон Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев:

– Ўртоқлар, Сойибга "Халқ артисти" унвони Москвада эмас – Тошкентда берилган. Унвонни олиб ташлашни Тошкентга қолдириб, ҳозирча, бирор бошқа чора кўриш билан чекланайлик, – деди.

Шу гап билан у кишига қаттиқ хайфсан берилди.

Сойиб ака сувга тушган мушукдай шалвираб, кайфияти тушиб қолаверди. Эртасига Кремль театрида бўладиган муҳокамага Москванинг атоқли театр танқидчилари тўпланиб, "Олтинкўл"ни муҳокама қилишди. Шунда муҳокамага раислик қилаётган театршунос-олим якунловчи сўзга чиқиб:

– Тошкентлик санъаткорларимиз ажойиб асар намойиш этишди. Дала меҳнаткашларига бағишланган асар ўзининг ҳаётийлиги, қувноқлиги билан менда катта таассурот уйғотди. Айниқса, мени асардаги сўзсиз образ – ер ўлчовчи ҳайратга солди. Бутун спектакль бир бўлди – ўша образ бир бўлди! Бу жуда ажойиб топилма. Шу образ орқали режиссёр асар моҳиятини очишга муваффақ бўлган. У далада меҳнат қилаяпти, бошқа ҳеч нима, ҳеч ким билан иши йўқ. Шу актёрга тан бердим. Ўша актёр бугунги йиғилишимизда иштирок этаяптими?

Актёрлар Сойиб акага қараб: "Сизни гапиряпти!" дейишди. Сойиб ака, русча билмаганидан: "Оббо, буям мени гапиряптими?" деб, қўрқиб, ўриндиққа бошини эгиб, букчайиб олди.

– Сизни мақтаяпти! – дейишди ҳамкасблари.

– А?! – Сойиб акага жон кирди.

Раис бўлса:

– Хаджаев, иди сюда, я хочу поцеловать тебя! – деди.

Сойиб ака ўрнидан "дик" этиб турди-да, минбарга чиқиб:

– Ладна, ўп! – деди.

Раис уни қучоқлаб, ўпди. Сойиб ака бўлса залга қараб:

– Ҳ-ў-ў, директор, ҳ-ў-ў, режиссёр, бўлдими, энди мени унвонимга тирғалмайсизларми? – деди.

Устанинг гапига ҳамма кулиб, қарсак чалиб юборган экан.

**Дилфуза АКБАРОВА.**

Мулоҳаза

# СОВҒА НИМАНИНГ БЕЛГИСИ?

***Кишилар бир-бирлариникига ташриф буюрганларида ўртада олди-берди қилмасдан илож йўқ. Бу одат фақат ўзбеклардагина эмас, балки кўп халқларда ҳам бор.***

Тўйга, бирон йиғин ёки меҳмондорчиликка совға олиб бориш аслида ёмон одат эмас. Чунки бу мезбонга мадад, унинг кам-кўстларига ёрдам бўлади. Совға қилган кишини яхшилиги ёки ёрдамини узоқ вақтгача эслаб юриш воситасига ҳам айланади.

Тўйга ва катта зиёфатларга қуруқ боришни меҳмон ўзига эп билмайди. Мезбон шунча тайёргарлик кўриб қўйган бўлса-ю, индамай еб-ичиб кетавериш ўзини ҳурмат қилган киши учун анча ноқулай сезилади. Шунинг учун совға удуми азалдан бор бўлган ва эндиликда у ҳаётга янада сингиб кетган.

Ҳадисларда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деб марҳамат қиладилар:

"Бир-бирларингизга ҳадя бериш орқали дўстлигингизни мустаҳкамланг". Ҳар бир муносабатнинг икки учи бор. Яъни, моддий ва маънавий. Чунки инсоннинг ўзи икки унсурдан – моддий ва маънавий оламдан таркиб топган. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсани моддий ва маънавий асос мустаҳкамлаб туради. "Мен сенинг дўстингман, сен учун жонимни ҳам бераман" деб қуруқ мулозамат қилавермай моддий асосини ҳам мустаҳкамлаб, бир-бирингизни совға-саломлар билан йўқлаб турсангиз нур устига нур бўлиб, биродарлигингиз ҳам моддий, ҳам маънавий пойдеворга эга бўлади. Совға олиш ва бериш қанчалик беғараз ва самимий бўлса, бу инсонни шучалик маънан ва ақлан руҳлантиради. Ҳаётда суянадиган одамларинг борлигига ундаб, кайфиятни кўтаради. Лекин бу ҳолатга "мен сендан ўтаман" деган ғаразли мақтанчоқликни, "сиздан угинаю, биздан бугина" деган олғирликни, таъмагирликни аралаштирадиган бўлсангиз, бу ҳолат соф инсоний ва исломий қийматини йўқотиб, иллатга айланади.

Чинакам меҳмондўстлик совға олди-бердисида таъмагарликка барҳам беради, бироқ сохта дўстлик берилган совға эвазига тузукроқ қайтариқ олишга ҳаракат қилишдан иборат бўлади. Сохта дўстлик ошноликдан келиб чиқади. Балки айрим ёшларимиз "ошно" сўзининг маъносини англашмас ёки нотўғри талқин қилишар, ҳар ҳолда кўчакўйда:

– Ҳа, ошна! Қалай?

– Ошна, йўл бўлсин, – қабилидаги салом-аликлар баъзан қулоққа чалиниб туради.

Аслида "ошна" тушунчаси "ош" ва "нон" сўзлари бирикмасидан тарқиб топган бўлиб, дўстлашишда таъмагирлик бўлиши шартлигига ишора қилинади. Кимсанинг ошига, нонига, пулига, мансабига, чиройига, мавқеига қараб ёки бирор манфаатни кўзлаб "дўстлашиш", бу ошналик дейилади. Бундай сохта дўстлик арзимас нарсанинг олди-бердиси туфайли тезда оқибатсизликка олиб келади. Сохта дўст дастурхонингиз устида тилёғламачи-ю, бошқа жойда обрў тўкишдан ҳам тоймайди.

Икки аёл қўлларидаги тоғораларини қия қилиб, автобусга базўр чиқиб олишди. Ёшлар бўшатиб берган жойга ўтиришди. Бири тугунини ечди-да, тоғорани титкилай кетди.

– Вой шўрим! – деди у лабини буриб. – Қурумсоқлигини билувдим ўзи. Қаранг, овсин, ош хомини нақ ўн кишилик қилиб, устига икки метр помбархит қўйиб боргандим-а, қайтариғини қаранг! Пуфласа Бухорога учадиган тўрт дона нон-у, яримта қатлама, бир лозимлик чит қўйипти-я!

Иккинчи аёл ҳам тугунини апил-тапил очиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Ордона қолсин, йигирмата бўрсилдоқ ширмой нон билан беш метр штампил оборувдим. Буни қаранг, овсинжон, икки-учта суви қочган бўлички билан бир сиқим қанд. Ман буни бошимга ураманми?

– Тўй қипсан, қипсан, ҳа, ярашиғинг билан қил-да!

– Қурумсоқ бўлмай ўл!..

Ҳа, ҳали ҳам орамизда халқимизнинг яхши одатларига ёмон тус бериб, иллатга айлантирувчилар учраб туради. Гап нарсада эмас-ку. Кўнгилдан чиқариб ёки раво кўриб олиб борилгач, ундан таъма қилиш уят-ку. Ахир тўй қилаётган киши ҳамманинг олиб борганига яраша қайтараверса, уйини қаердан топади? Буни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма гап шу икки аёлнинг тўй қилувчига нисбатан сохта дўстлигида, олиб келган нарсаси эвазига тузукроқ қайтариқ олиш умидида эканлигида! Ўзбеклар топгани тўйга буюрсин, дейдилар. Гап нарсада эмас, энг ёмони баъзиларнинг фикри заиф, ҳасадгўй ва ғийбатчилиги дилни хира қилади. Совға бердингизми, ўрнига нарса олишни умид қилманг. Совғани олган одам бир кун келиб сизнинг яхши кунларингизда албатта ортиғи билан қайтариши ҳеч гапмас. Холис бўлинг! Ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қилманг! Ушбу беғаразлигингиз чексиз ҳузур бағишлаши муқаррар. Бундан ҳам ортиқ совға борми?!

**Марям АҲМЕДОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7804. Адади 7 665. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.